

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 135 (882)

6

И Ю Л Ъ
Ш А Н Ъ А
1957 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИЯНИ

Улуғ Ленин тузган ва курашда чиниқтирган, марксизм-ленинизм байроғини баланд кўтариб бораётган шонли Коммунистик партиямизнинг бирлиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамдир. Партиянинг ленинча бирлиги бузилмасдир! Бутун совет халқининг партиямизга бўлган муҳаббати ва ишончи чексиздир. Халқимиз партияни ўзининг синалган ва доно йўлбошчиси ҳамда устози деб билади.

Колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликлари-нинг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1957 йил 4 июлдаги қарори

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Коммунистик партия раҳбарлигида халқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. СССР саноати 1957 йилга келиб революциядан олдинги вақтдагига нисбатан ўттиз баравардан зиёдроқ ўсди, 1940 йилдагига нисбатан аса қарийб тўрт баравар ўсди. Капиталистик мамлакатларнинг биронтасида ҳам саноат ҳеч қачон шундай тез суръатлар билан ривожланмаган эди.

Мамлакатини индустриалаштириш соҳасидаги улуғ вазифалар ҳад этилганлиги социалистик қишлоқ хўжалигининг кучли замонвий техника билан қуроллантиришига имкон берди. Ҳозирги вақтда қолхоз ва совхоз далаларида (ун беш ет кучига айланган) ҳисоблаганда) бир ярим миллиондан кўпроқ трактор, 380 мингга яқин комбайн, миллионлаб бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишламоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ишлар кенг равишда механизациялаштирилганлиги қолхозчиларнинг, МТС, совхоз ходимларининг меҳнатини анча осонлаштиришга, улар меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берди.

Лениннинг кооператив плани асосида барпо қилинган қолхоз тузуми ўн миллионлаб деҳқонларнинг ишлаб чиқариш ва турмуш асосларини янги социалистик негизларда тубдан ўзгартирди, совет қишлоқдаги барча меҳнаткашларнинг бадавлат ва маданияти бўлиб ҳаёт кечиринлари учун кенг йўл очиб берди. Қолхозларнинг жамоат хўжалигини ривожлантириш тажрибалари қолхоз тузумининг улуғ ҳаётий кучини, йирик социалистик қишлоқ хўжалиги капиталистик хўжаликка нисбатан ҳеч шубҳасиз устуни турганлигини исботлаб бермоқда.

Совет деҳқонларимиз қолхозларга бirlaшиб ва йирик коллектив социалистик хўжалигининг афзалликларидан фойдаланиб, жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Эндиликда кўпчилик қолхозлар ҳар томонлама ривожланган хўжалик бўлиб қолдилар. Улар иқтисодий жиҳатдан бакуват бўлиб қолдилар ва катта бойлик тўпладилар. Қолхозларнинг пул даромадлари 1956 йилда 1953 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалик артелларининг жамоат хўжалиги бутун қолхозлар ҳаётининг, қолхозчилар моддий фаровонлигини оширишининг мустаҳкам негизи бўлиб қолди. Бу муваффақиятларга қолхозчи деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, давлат қолхоз қишлоқига тобора кўпроқ ёрдам бераётганлиги туфайли эришилди. Мамлакатимиз совхозлари ҳам ташкилий жиҳатдан мустаҳкамландилар ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини еттиштириши ва давлатга топшириши анча кўпайтирилди.

Йирик социалистик қишлоқ хўжалигининг жуда катта имкониятлари КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин айниқса яққол кўринди, бу Пленумда Партия ва Ҳукумат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарликни яхшилашга, совхозларни, МТСларни тажрибали раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлашга, қолхозлар, қолхозчилар, МТС ва совхоз ходимларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини еттиштириш кўпайтиришдаги моддий манфаатдорликларини оширишга доир катта тадбирларни белгилади ва бу тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўриқ ва бўя ерлар ўлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таберлаш ва харид қилиш нархлари оширилганлиги ҳамда қолхозларда ва совхозларда планлаштириш тартиби ўзгартирилганлиги қишлоқ хўжалигини яқсантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Мана шуларнинг ҳаммаси экин майдонларини анча кенгайтиришга, галла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириши кескин равишда кўпайтиришга имкон берди. Бизнинг мамлакатимиз галладан ҳеч қачон ўтган йилдагидек кўп ҳосил олмаган эди. Пахта, қанд лавлагли, қартошка, қўнғабоқар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг янги ҳосили ҳам кўпайди. Чорва моллар сонини ошди, уларнинг маҳсулдорлиги, айниқса соғиб олинаётган сўт кўпайди. Кейинги йилларда минглаб қолхозлар ва совхозлар сўт ва гўшт еттиштириши икки баравар, кўпгина хўжаликлар аса уч баравар ва ундан ҳам зиёдроқ кўпайтирилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсганлиги натижасида 1956 йилда 1953 йилдагига нисбатан мамлакатда галла бир миллиондан тўрт юз миллионга, қартошка ва сабаот уч миллион тоннадан зиёдроқ, экин 54 процент, қанд лавлагли 36 процент, гўшт 25 процент ва сўт 1,7 баравар, қолхозларда аса икки баравардан зиёд-роқ кўп таберлади. Тайёрланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми аввало қолхозлар ва совхозлар ҳисобига кўпаймоқда.

Эндиликда социалистик сектор мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда ҳал қилувчи ўринга чиқиб олди. Ҳозирги вақтда давлатга галла, қанд лавлагли, пахта, зигир толасини, қанопяни, мойли экинлар ҳосилини ва сабаотни фақат қолхозлар ва совхозлар етказиб бермоқда, тайёрланаётган ва харид қилинаётган барча чорвачилик маҳсулотларидан аса қолхозлар ва совхозлар топшириляётган гўштининг 81 процентини, сўтнинг 84 процентини ва жу-нинг 89 процентини бермоқдалар, айни вақтда қолхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг хўжаликларини етказиб бераётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мажбуриятларининг ҳажми камайди ва шу маҳсулотларнинг давлат йўли билан тайёрланаётган миқдоридан уларнинг салмоғи жуда озайиб қолди. Қолхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг хўжаликларини етказиб берадиган мажбуриятлар бўйича топширилган гўшт 1952 йилда тайёрланган ва харид қилинган гўштининг умумий ҳажмига нисбатан 23 процентини ташкил қилган бўлса, шу хўжаликларнинг етказиб бериш мажбуриятлари бўйича топширилган гўшти 1957 йилда фақат 10,2 процентини ташкил қилади. Шу давр ичидан яқка тарғибда етказиб бериш мажбуриятлари бўйича топширувчи хўжаликлар гомондан топшириладиган сўт давлатга етказиб бериляётган сўтнинг умумий ҳажмига 31 процентдан 7,1 процентга тушиб қолди.

Қолхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ўсганлиги ва шу муносабат билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таберлаш ҳажми қолхозлар ва совхозлар ҳисобига кўпайганлиги давлатнинг 1953 йилдаёқ қолхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларини топширадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мажбуриятдаги нормаларни анча камайтиришига имкон берган эди. Эндиликда аса бу хўжаликларни барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга етказиб бериш мажбуриятларидан бутунлай озод қилиш имкони бор. Бу ҳол, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги қолхозчи деҳқонлар, ишчилар ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини яхшилайд.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар: Қолхозчилар, ҳунармандчилик, бадиқ олдди артеллари аъзолари, инвализлар кооперацияси артеллари аъзолари хўжаликларининг, давлат қорхоналарида ва муассасаларида, кооператив ва жамоат ташкилотларида доимий ишда ишлаб турган, қишлоқ, шаҳар жойларида ва бог посёлкаларида яшаб турган ишчи ва хизматчи хўжаликларининг ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топшириш мажбуриятлари 1958 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

Иттифоқи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область ва район партия комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетлари қолхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг хўжаликларидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш нархлари билан сотиб олиш ишларини яхшилашлари, ошқича маҳсулотни давлат ва қолхоз-кооператив савдо шохобчалари орқали сотишни ташкил этишда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари зарур.

Қолхозчиларнинг ошқича сўт, гўшт, қартошка, тухум, жуи ва бошқа маҳсулотларини сотишлари учун уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, улардан маҳсулотларини ўз жойида қабул қилиб олишни, қабул қилиш пунктларига, савдо шохобчаларига ва қолхоз бозорларига элтиб беришни ташкил этиш қолхозларга тавсия қилинсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатдаги илгор қолхозлар, совхозлар, районлар ва областларнинг аҳоли жон бошига чорва маҳсулотларини еттиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичидан Америка Қўшма Штатларига етиб олиш мақсадида қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар юз тектаридан 100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ гўшт ҳамда 400 центнер ва ундан ҳам кўпроқ сўт олиш учун социалистик мусобақани қилиб юборайлик, деб қилган қақариқларини бутун совет халқи кўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб кутиб олганлигини мамуният билан қайд қиладилар. Бу вазифа албатта бажарилди, бунга шак-шубҳа йўқ, чунки бунинг учун бизда имкониятлар бор, бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш керак, ҳоло.

СССР ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРНАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Кабарда-Балкар Автоном Совет Социалистик Республикасини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Кабарданин икхтиёрли равишда Россияга қўшилганлигининг 400 йиллигини нишонлаб ҳамда кабарда ва балкар халқларининг хўжалик ва маданиятни ривожлантиришда эришган катта муваффақиятларини тақдирлаб, Кабарда-Балкар Автоном Совет Социалистик Республикасини Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ, Москва, Кремль, 1957 йил 4 июль.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПРЕЗИДИУМИ

Президиум аъзолари:



А. Б. Аристов



Н. И. Беляев



Л. И. Брежнев



Н. А. Булганин



К. Е. Ворошилов



Г. К. Жуков



Н. Г. Игнатов



А. И. Кириченко



Ф. Р. Козлов



О. В. Куусинен



А. И. Микоян



М. А. Суслов



Е. А. Фурцева



Н. С. Хрущев



Н. М. Шверник

Президиум аъзолигига кандидатлар:



Н. А. Муҳитдинов



П. Н. Поспелов



Д. С. Коротченко



Я. Э. Калнберзин



А. П. Кириленко



А. Н. Косигин



К. Т. Мазуров



В. П. Мжаванадзе



М. Г. Перухин

СССР Олий Совети Президиумида

Кабарданин икхтиёрли равишда Россияга қўшилганлигининг 400 йиллигини нишонлаб, ҳамда республика меҳнаткашларининг саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги хизматларини тақдирлаб, СССР Олий Совети Президиуми Кабарда-Балкар АССР саноат, қишлоқ хўжалик илгорлари, фан ва маданият ходимлари, партия, совет, касаба овоз, комсомол ташкилотлари ходимларидан бир гурупасини ордени ва медаллар билан мукофотлади. Жами 410 киши мукофотланди.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 45, «Ҳурмат белгиси» ордени билан 93, «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 112, «Меҳнатда ўрнатилганлиги учун» медаллари билан 122 киши мукофотланди.

Н. С. Хрущев Югославия Федератив Халқ Республикасининг элчиси В. Мичуновични қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрущев 5 июлда Югославия Федератив Халқ Республикасининг Москвадаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Мичуновични унинг илтимосига кўра қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

